

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАМДА УНИНГ МОҲИАТИ

Луқманов Бунёд Муртазаевич

ТДИУ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси ва унинг иқтисодий фаолиятга амалга оширишнинг назарий асослари, янгланаётган Ўзбекистон шароитида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг муҳим чора-тадбирлари хусусидаги таҳлиллар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш, модернизация, иқтисодий тармоқлар, миллий иқтисодиёт, Янги Ўзбекистон, тадбиркорлик.

THE CONCEPT OF MACROECONOMIC STABILITY AND ITS ESSENCE

Bunyod Murtazaevich Lukmanov

TDIU, PhD student

Annotation: In this article, the concept of macroeconomic stability and the theoretical basis of its implementation in economic activity, analysis of important measures to further strengthen macroeconomic stability and maintain high economic growth rates in the conditions of the renewed Uzbekistan.

Key words: macroeconomic stability, economic growth, sustainable development, modernization, economic sectors, national economy, New Uzbekistan, entrepreneurship.

ПОНЯТИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ И ЕГО СУЩНОСТЬ

Бунёд Муртазаевич Лукманов

докторант ТДИУ

Резюме: В данной статье понятие макроэкономической стабильности и теоретические основы ее реализации в экономической деятельности, анализ важных мер по дальнейшему укреплению макроэкономической стабильности и поддержанию высоких темпов экономического роста в условиях обновленного Узбекистана.

Ключевые слова: макроэкономическая стабильность, экономический рост, устойчивое развитие, модернизация, отрасли экономики, национальная экономика, Новый Узбекистан, предпринимательство.

Макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси турли иқтисодий ўзгарувчилар орасидаги функционал ўзаро алоқаларнинг параметрларини баҳолашдан иборат. Макроиқтисодий таҳлил ўтказилганда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш кенг қўлланилади.

Макроиқтисодий барқарорлик таҳлилининг воситалари қуйидаги моделлардир: эконетрик, вақтли қаторлар, имитацион, умумий мувозанат. Юқорида айтилган моделлар миллий ҳисоблар тизими доирасида жорий, ўзгармас нархларда ўсиш ва қўшимча ўсишнинг суръатларида тузилади.

Ҳозирги глобаллашув, “савдо урушлари”, геосийсий жараёнларнинг янада мураккаблашиб бораётган бир шароитда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маърузасида «Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади» деб таъкидлади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта соҳага хос устувор йўналишлари белгиланган.

БУ ЙўНАЛИШЛАРДА:

1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласи.

2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар.

3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга эришиш.

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш.

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари кўзда тутилган.

Мазкур масала, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларининг

биринчи йўналиши сифатида белгиланган. Ушбу устувор йўналиш мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласига бағишланган бўлиб, унда ҳам етти кичик йўналишлар кўзда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси" лойиҳасида ҳам асосий урғу макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга берилган. Хўш "иқтисодий ўсиш" категориясининг моҳияти нимадан иборат ва у қандай иқтисодий кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабаб, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидандир. Чунки бошқарувда рақамли технологияларни кенг қўллаш, мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муаммоси ижтимоий ривожланишнинг кўп вариантлиги ва муқобиллигини эътироф этишга асосланган. Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлил қилинганда, унинг мезонларига ва энг аввало сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.

Шундай экан, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ҳудудий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс ҳаражатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. 2030 йилгача ривожланиш концепцияси, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган муҳим мақсад ва вазифалари, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишлари, ривожланишнинг асосий манбалари ва омиллари, рақобат имкониятлари ва устунликларини белгилаб берувчи асосий дастур ҳисобланади. Унда ҳудудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли дастурлари ва прогнозларини ишлаб чиқиш, ҳудуд иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш йўллари кўрсатиб берилган. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш динамикасини прогнозлашда рекурсив ва экзоген кўпомилли эконометрик ўсиш моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Макроиқтисодий экзоген моделлар ҳудудда иқтисодий ўсишни таъминлашда

инвестиция ва инновацияларнинг ўрнини аниқлаш, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибини тармоқлар ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида мутаносиб, барқарор ривожланишини моделлаштириш имконини беради, таҳлил этилаётган иқтисодий жараённи тасодифий омиллар таъсиридан ҳоли эканлигини инобатга олади.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукумат томонидан уни мустаҳкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Асосий вазифалар – макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш”. Бугунги кунда республикада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ижтимоийиқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири - бу ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, ташқи ва ички бозорлар учун сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва сотишда замонавий савдо хизматларини ташкил қилиш ҳамда ушбу хизмат имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма– босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар жараёнида мамлакат ривожланишини белгилаб берувчи расмий қоидалар ва нормаларни ўз ичига олувчи тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити шаклланди. Шаклланган тадбиркорлик муҳити мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларига ҳамда янгича бошқариш тизимини барпо этилишига; моддий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш эса иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатди. Натижада мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси тамоилларига ва устувор йўналишларига амал қилган ҳолда ривожланишнинг стратегик мақсадлари жаҳон андозаларига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фармонлари, маърузалари ва чиқишларида белгилаб берилган барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини амалда ижросини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг ҳудудлари ривожланишини таъминламоқда. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади.

Шуни ҳисобга олганда, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга эришиш ва макроиқтисодий барқарорлик ва

иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар стратегиясининг иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олинган. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз президентининг парламентга мурожаатномасида иқтисодиёт тизимни соғломлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни юқори суръатларини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозимлиги қайд этилган:

- очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

- “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш; о валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш. Ушбу масалаларни самарали ҳал этиш, бизнинг фикримизча мамлакатимизда эришилган макроиқтисодий барқарорликни ва мастаҳкамланиши билан бирга юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга кенг имкониятлар яратади.

Макроиқтисодий барқарорлик (macroeconomic stability), бу миллий валюта алмашув курсининг, солиқ ставкалари ва божхона божларининг ва хўжалик соҳаларининг барқарорлигидир. Барқарорлик ишсизликнинг паст даражасини ва иқтисодий ўсишни таъминланиши ҳисобланади.

Бу ҳоқимиятнинг кучайиши, жамият ҳаётининг ҳар жабҳасида қонунларнинг сўзсиз амал қилиши ва мамлакат олтин – валюта захирасининг ўсиши орқали таъминланади. “Барқарор иқтисодий ўсиш” макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Барқарорлик – маълум бир тизимнинг ташқи таъсирлар остида жорий ҳолатини сақлаш қобиляти ҳисобланади.

Макроиқтисодий барқарорлик эса бу ресурслардан фойдаланиш ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги узоқ муддатли мувозанатнинг сақланишидир. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришга асосий эътибор қаратиш лозим. Шунинг ҳамда олиб, кичик бизнеснинг янги субъектларининг ташкил этилиши ва ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик бизнес нуфузини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормалари янада такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга, иқтисодий ўсишни барқарор суръатларини таъминлаш учун иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошқариш усуллари такомиллаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари,

айниқса саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиши ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки сифат жиҳатда такомиллаштирилган ишлаб чиқариш кооперацияси ва кластер механизмини жорий этиш ҳисобига эриш, самарали йўл бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ЯИМ ҳажмини оширишнинг прогноз вариантлари инновацион - инвестицион тавсифга эга бўлиб, уни амалга ошириш тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари иши самарадорлигининг асосий мезонига айланиши керак. Президентнинг олий мажлисга мурожаатномасида саноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш учун йирик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва бунга сармоядорларни қизиқишини орттириш учун мамлакат-ҳудуд-корхона поғоналарида инвестицион жозибадорликни ҳамда давлат бошқарув органлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланган.

Шуларни ҳисобга олганда, хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчиликга инвестицияларни жалб қилиш ва ундан амалда фойдаланиш билан боғлиқ битимларни тузиш ва ижросини таъминлаш жараёнлардаги трансакция харажатларини пасайтириш билан боғлиқ қўшимча ўзгартиришлар киритиш зарур. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига соҳада йирик инвесторлар иштирокида чорвачилик кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, шаҳар олди ҳудудларида мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган йирик агрохолдинглар ташкил этиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабларини қондиришда самарали йўл ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга фаол жалб қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг ўз нисбий устунликлари, фойдаланилмаётган имкониятлари, ўсиш захиралари ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охиरोқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Республикамизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, валюта бозорини эркинлаштириш, юқори ликвидли товарларни сотишнинг бозор усулларини жорий этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш учун қулай шартшароитлар ҳамда иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратди. Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда марказий банкнинг масулияти улкан эканлигини

ҳисобга олиб, уни таъминлашда ўзининг асосий ва муқобил сценарийсиларни ишлаб чиқди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашни талаб қилади. Минтақалар иқтисодиётини кўтармасдан, ислоҳотларни чуқурлаштирмасдан миллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, айнан минтақалар миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини, унга хос хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бунда минтақаларда мавжуд табиий ресурслар, демографик вазият ва инсон ресурслари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсиш деган тушунча мавжуд бўлиб, у барқарор ривожланишнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади.

Барқарор иқтисодий ўсиш мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг маълум йиллар давомида (одатда беш йил) ижобий ва ўзаро мутаносиб ўсиш динамикасидан вужудга келадиган иқтисодий ўсишдир. Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади. Чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, айнан барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар ресурсларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Улар гуруҳига қуйидагилар киради: табиий ресурслар миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; асосий капитал ҳажми; технологиялар, тадбиркорлик қобилияти ва ахборот.

Шу сабабдан бозор муносабатларининг ривожланиб бориши ва иқтисодиётнинг модернизация қилиш шароитида мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашга таъсир этувчи омилларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, ялпи ички маҳсулот таркибий компонентларининг оптимал нисбатини таъминлаш, иқтисодий ўсиш моделларидан энг мақбулларини танлаш каби муҳим масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнларни макроиқтисодий таҳлил қилиш ва методологик жиҳатдан такомиллаштириш, бу бўйича амалий тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишини тезлаштиради. Миллий ҳисобчилик тизимида кўра миллий иқтисодиёт ривожланишини таҳлил этиш учун ЯИМ кўрсаткичидан бошқа яна бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жумласига ялпи миллий даромад (ЯМД) кўрсаткичи ҳам киради. Бу кўрсаткич миграция бўйича халқаро ташкилот (МХТ) талаби бўйича олдинги кўринишида ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичи билан моҳиятан бир хил деб кўрсатилади. Шу сабабли кўп ҳолларда

миллий иқтисодиёт ривожланишини таҳлил этишда ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткич ишлатилмайди. Алоҳида олинган ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини таҳлил қилишда ялпи ҳудудий маҳсулот кўрсаткичларидан фойдаланилади, лекин иқтисодий адабиётларда унга аниқ таъриф берилмаган.

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг таърифларидан фойдаланиб, ялпи ҳудудий маҳсулотга қуйидагича таъриф берамиз: “Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) - алоҳида олинган ҳудудда резидент ва норезидентлар томондан маълум даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот (бajarилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) қийматидир. Ялпи ҳудудий маҳсулотлар йиғиндиси ялпи ички маҳсулотга тенгдир”.

Иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш даромадларни қандай нисбатларда истеъмол ва инвестицияларга бўлинишига боғлиқ деб қаралади. Истеъмол ҳажми динамикаси иқтисодиётнинг пировард мақсадини ва аҳоли турмуш даражаси ошишини билдирса, инвестициялар ҳажмининг ўзгариши ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича муқобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол миқдорининг ортиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтиради. Оқибатда иқтисодий ўсиш имкониятларини қисқартиради. Иқтисодий ўсиш реал катталикларда ва қиёсий баҳоларда ўлчанади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш, баҳолашнинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади.

Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш, унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 15 январдаги, иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва оилалар даромадини кўпайтириш янги тизимни ташкил этиш борасида “маҳаллада тадбиркорлик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун оилаларни зарур асбоб-ускуналар ва иш қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги”ни алоҳида таъкидлайди. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли аҳоли турмуш даражасининг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва аҳоли реал турмуш даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.:// Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори –Т. 2019 йил.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси.
5. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. -Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019. –Б. 230.
6. Маматов А.А. Иқтисодий хавфсизлик Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Харбий-техник институти. -Т.: 2020 йил. -186 б.
7. Мўминов А. Иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари нималардан иборат” //Ўзбекистон овози. 20.05.2016 й
8. Интернет манбалари: iqtisod.uz